

**ФЕЪЛ ТУРКУМЛАРИ ОЛДИДАН ҚЎЛЛАНУВЧИ ҲАРФЛАР ВА  
УЛАРНИНГ МАЪНО ХУСУСИЯТЛАРИ****КОМИЛЖОН ШОДМОНОВ***2 - босқич магистранти, Ориентал Университети, Ўзбекистон***Аннотация**

Ушбу мақолада феълнинг шахс-сон шакллари ва замонда ўзгариши унинг асосий хусусияти, феълнинг майл юкламалари билан келиши ҳам алоҳида таъкидланиши кўрсатилган. Бу эса феъл араб тилидаги сўзларнинг асосий бўлимини эгаллашини англатади.

**Калит сўзлар:** *араб тилида феъл, морфология, буйруқ шакли, ўтган замон, ҳозирги-келаси замон.*

**Кириш қисми:** Араб тилида феъл морфологик жиҳатдан шаклланган икки, яъни ўтган ва ҳозирги-келаси замон шаклларига эга. Араб наҳвчилари буйруқ шаклини майллар билан эмас, замон шакллари билан бир қаторга қўядилар. Шу боис олимлар араб тилидаги феълни тусланиш шаклига кўра уч гуруҳга бўладилар: ўтган замон, ҳозирги-келаси замон ва буйруқ феъллари. Ўтган замон шакли (перфект) феълнинг охириги ўзагига, ҳозирги-келаси замон шакли (имперфект) феълнинг олдида кўшимча кўшиш ёрдамида ясалади. Буйруқ шакли (императив) эса ҳеч қандай кўшимчага эга бўлмайди.

Замахшарий “феъл” бобида бу сўз туркумига берилган таърифдан сўнг ўтган замон, ҳозирги-келаси замон шакли, буйруқ шакли, ўтимли ва ўтимсиз феъл, мажхул нисбат, ўйламоқ ва ҳисобламоқ маъноли феъллар категорияси, ёрдамчи феъллар, иш-ҳаракатнинг бажарилиш арафасида турганлигини билдирувчи феъллар, мақтов ва таҳқир феъллари, таажжубни ифодаловчи феъллар масалаларини ёритган. Олим феълнинг асосий учта шаклини таснифнинг аввалида келтиради, кейин феълнинг функционал аспектини тавсифлайди.

Замахшарий араб тилидаги феъл сўз туркумини шундай изоҳлайди: “*الفعل ما دل على اقتران حدث بزمان و من خصائصه صحة دخول قد و حرفي الاستقبال و الجوزم و لحوق المتصل البارز من ضمائر وتاء التانيث الساكنة* - Феъл замон билан боғлиқ ҳодисани англатади, фақат унгагина хос хусусиятлар: қад юкласини, келаси замон ва шарт майли юкламаларини олади, бош келишидаги бирикма олмошларини ва муаннас жинсининг сукутли ҳарфини қабул қиладиган сўздир”

Мутарризий феълнинг хусусиятини Замахшарий каби таърифлаб, белгиларини қуйидагича шарҳлайди: “*الفعل ما دخله قد وسوف و حروف الجزم و ما اتصل به و الضمير المرفوع البارز وتاء التانيث الساكنة و له ثلاثة امثلة المفتوح الاخير و يسمى الماضي و الثاني ما يتعاقب*

على اوله الزوائد الاربع و يسمى المضارع و هو مشتترك بين الحال و الاستقبال و اذا دخلت عليه السبن و سوف  
Феъл замон билан боғлиқ ҳодисани  
англатади, фақат унгагина хос хусусиятлар:қ ад юкламасини, келаси замон ва  
шарт майли юкламаларини олади, бош келишикдаги бирикма олмошларини ва  
муаннас жинсининг сукули т ҳарфини қабул қилади, унинг учта шакли ҳам  
фатҳага тугаб, ўтган замонни билдиради, иккинчиси 4та олд қўшимчаларни  
олади, у ҳозирги замонни англаиб, ҳозирги ва келаси замон учун умумий  
шаклдир, учинчиси буйруқ майли шаклида бўлади”.

Даририй “Муқаддима”сида исмдан сўнг феълга шундай қисқача таъриф  
беради: *وعلامة الفعل: ما يحتمل طرفي الزمان أو احدهما* – Феълнинг белгиси ва  
хусусиятлари иш-ҳаракатнинг вақтини ўтган ёки ҳозирги-келаси замонда ёхуд  
улардан бирида бўлишини тақозо этади”

Демак, Замахшарий феълнинг белгиларини тўлиқ санаган, унинг ҳосила  
бобларини кўшиб ўтган бўлса, Мутарризий Замахшарий келтирган таърифдан  
фойдаланган, бунда Замахшарий алоҳида келтирган фасллардаги маълумотни у  
феъл хусусиятлари қаторида бир фаслда санаб ўтган. Даририй феълнинг асосий  
хусусиятини таърифлаш билан чекланган. Билдирилган фикрлар хулосасига  
кўра, араб тилидаги феълнинг муҳим хусусияти иш-ҳаракат ёки ҳодисанинг  
замонини ифодалаш бўлиб, “араб наҳвчилари феълнинг асосий хусусиятини  
“ҳодисанинг вақт билан боғлиқлиги”ни кўрсатишида, деб ҳисоблашган.

**Асосий қисм:** Замахшарий аввал ўтган замон феъли шакли ҳақида шундай  
дейди: *الفعل الماضي و هو الدلّ على اقتران حدث بزمان قبل زمانك و هو مبنى على الفتح الا ان يعترض*  
ўтган  
- *ما يوجب سكونه او ضم فالسكون عند الاعلال و لحوق بعض الضمائر و الضم مع واو الضمير*  
замон феъли сен турган замондан олдинги вақтни билдириб, феъл шаклининг  
охири фақат фатҳа ҳаракатига тугайди, баъзан сукун ва дамма бўлиши ҳам  
мумкин, сукун иллатли ҳарфли феълда ва баъзи кишилиқ олмошларини олганда  
келади, дамма эса кишилиқ олмошини олганда келиши мумкин”.

Мутарризий китобининг терминлар бобида феълнинг учта шакли  
мавжудлигини санаб ўтади. Олим ўтган замон феълининг шахс-сонда  
тусланишини қайд этар экан, бу ўтган замон шакли эканлигини қуйидагича  
изоҳлайди: *ما اتصال به الضمير المرفوع البارز نحو اكرمت و اكرما و اكرموا و تاء التأنيث الساكنة نحو*  
– *نصرت و نعمت و بنست و له ثلاثة امثلة المفتوح الاخر نحو نصر و دحرج و اكرم و يسمى الماضي*  
*Бош келишик маъносигадаги тусловчи суффиксларни олган, масалан: 'акарамту,*  
*'акрамā, 'акрам; муаннас т қўшилган, масалан: найарат, ни 'мат, би 'сат; охири*  
*фатҳа олган шаклга учта мисол: найара, даңража, 'аккрама. Бу шакл ўтган*  
*замон деб аталади”.*

Даририй “Муқаддима” асарида синтаксисга оид мавзулар қаторида  
феълларни тусланиш шаклига кўра тўрт гуруҳга бўлган, яъни: *الأفعال على أربعة* “  
*أوجه: فعل ماض هو مبني على الفتح، كقولك: ضربت فتحت ضرب لأنه فعل ماض، قال الله تعالى: وضرب لنا*

مثلاً ونسي خلقه. Ўтган замон феъли. У[лар]нинг охири ўзгармайдиган фатх ҳаракатига тугайди. Мисол: *يُأرَبا* - ضرب. Аллоҳ таоло: *وَضَرَبْنَا مَثَلًا وَنَسِيَ خَلْقَهُ* ва *يُأرَبا* ланā маъалан ва насийа халақаху – “У Бизга мисол келтирди-ю, (аммо) ўзининг (қандай) яралганини унутиб қўйди” (Ёсин, 78)”.

Араб тилида ўтган замон феълларининг шахс-сонда тусланиши учун феълнинг охирги ўзак ҳарфига ҳаракатлари ўзгармайдиган, эганинг ўрнини боса оладиган олмошлар уланади. Шу боис “ўтган замон феъллари, икки мактаб (Куфа ва Басра) наҳвчиларининг фикрига кўра, флексиялар бўйича ўзгарувчан эмас, чунки уларнинг тусланиши феълнинг охирги ўзак ҳарфига флексиялар бўйича ўзгармайдиган шахс ва сонни билдирувчи олмошларнинг қўшилиши туфайли содир бўлади”.

Арабча феълнинг ҳозирги-келаси замон шакли хусусида Замахшарий китобининг “الفعل المضارع - ’ал-фи’лу-л-му’йāри” мавзусида шундай дейди: “الفعل المضارع و ما يعتقب في صدره الهمزة و النون ز التاء و الياء و ذلك قولك للمخاطب او الغائبة تفعل و للغائب يفعل و للمتكلم افعل و له اذا كان معه غيره واحدا او جماعة نفعل و تسمى الزوائد الاربع و يشترك فيه الحاضر - Ҳозирги-келаси замон шаклида ҳамза, нһн, тā’, йā’ ундошларини олади, улар: II ва III шахс учун таф’алу, шунингдек, III шахс учун йаф’алу ҳам, I шахс бирлик учун ’аф’алу, кўплик учун наф’алу бўлиб, улар тўртта префикс, деб номланади”. Шунингдек, Замахшарий: “имперфектга са ва савфа каби келаси замон юкламалари ва тасдиқ маъносидаги жумлада мазкур шаклга лā юкламаси қўшилиб келади”, – деб таъкидлайди. Олим бу бўлимда феълнинг майллар категориясига хос хусусиятларни ва уларнинг синтактик вазифаларини батафсил баён этган.

Мутарризий имперфектнинг шахс-сонда тусланишини қуйидагича тушунтиради: “الثاني يتعاقب على اوله الزوائد الاربع و هي الياء الغائب المذكر و الجماعة المؤنثة و التاء المخاطب المذكر و المؤنث و الغائب المؤنث و الالف المتكلم الواحد و النون لما فوقه مذكرا كان او مؤنثا تقول يفعل هو و يفعلن هنّ و تفعل أنت او هي و افعل انا و نفعل نحن و يسمى المضارع مشترك بين الحال و الاستقبال – Иккинчиси, тўртта префиксли шакл, улар: III шахс музаккар ва муаннас кўплик йой олган шакл; II шахс музаккар ва муаннас ҳамда III шахс муаннасда қўлландиган префиксли шакл; ҳам музаккар, ҳам муаннас жинс бирлик I шахс алиф билан келадиган ва бу шахснинг нун билан келадиган шакли, масалан: йаф’алу – у, йаф’алунна – улар(муаннас), таф’алу – сен ёки у(муаннас), ’аф’алу – мен, наф’алу – биз; мазкур шакл ҳозирги-келаси замон деб аталади”. Мутарризий, кўрамизки, араб тилидаги имперфектни таърифлашда Замахшарий баёнига тўла монанд фикрни ифода этади.

Даририйнинг таъкидлашича: “وفعل مستقبل وهو مرفوع ما لم يدخل عليه حرف من حروف النصب فينصبه أو حرف من حروف الجزم فيجزمه، نحو: يضرب، رفعت يضرب لأنه فعل مستقبل، قال الله يفعل هو و يفعلن هنّ و تفعل أنت او هي و افعل انا و نفعل نحن و يسمى المضارع مشترك بين الحال و الاستقبال – Ҳозирги-келаси замон феъли [шундай шакли], ундан олдин истак, шарт юкламалари келмайди.. Мисол учун: يضرب - йайрибу феъли

ҳозирги-келаси замон феъли бўлганлиги учун охири даммали бўлади: Аллоҳ таоло: *و يضرب الله الامثال* - ва *يأييريبو-л-лāху-л-’амбāl* – “Аллоҳ мисолларни баён қилур” (Раъд, 17). Агар мазкур феъл истак майлини талаб этувчи юклама билан келмаса, дамма ҳаракатини олади, акс ҳолда, фатҳа ҳаракатида бўлади, башарти шарт майлини тақозо этувчи юкламалар иштирокида келса, сукун ҳаракатини олади.

Замахшарий феъл замонининг навбатдаги тури ҳақида шундай дейди: *الامر و هو الذي على طريقه المضارع للفاعل المخاطب لا يخالف بصيغته صيغته الا ان تنزع الزائدة فتقول في تضع ضع في تُدَحْرَجُ دَحْرَج و نحوها مما اوله متحركٌ فإن سَكَنَ زدت لئلا تبتدئ بالساكن همزة وصل فتقول في تضرب اضرب – Буйруқ иккинчи шахснинг имперфекти асосидан ясаиб, буйруқнинг шакли ундан фақат префиксларнинг тушиб қолиши билан фарқланади. Масалан: тайи’ сўздан йи’, тудахрижудан дахриж каби. Бу ҳолат, агар биринчи ундош ҳаракатланган бўлса, амалга оширилади, агар у сукунланган бўлса (шу сўзни талаффуз қилишда) сукун билан бошламаслик боис васлани ҳамза префикс сифатида орттирилади. Масалан: тайирибда ’ийриб”.*

Мутарризий феълнинг учинчи императив шаклини қуйидагича таърифлайди, *و الثالث الموقوف الاخر و يسمى الامر نحو انصر و اضرب* – *Охирги ундошнинг сукун бўлиб, яъни паузада келиши феълнинг учинчи шаклидир. Масалан: ’унйур, ’ийриб”.* Олим охирги унли умлаут бўлишини таъкидлайди.

Даририйга кўра: *والأمر والنهي و هما مجزومان أبدأ.* – *буйруқ майли ва унинг бўлишсиз шакли сукун олади”.* Демак, *اضرب* - *’ийриб ва لا تضرب* - *лāтайириб*. *اضرب* – ур сўзи буйруқ майлида бўлгани учун, *لا تضرب* – “урмагин” сўзи буйруқ майлининг бўлишсиз шакли бўлгани учун охири сукунли бўлади. Масалан: Аллоҳ таоло: *و اضرب لهم مثلا* - ва *’ийриб лаҳум мабалан* – “(Эй, Муҳаммад,) Сиз уларга мисол келтиринг!”.

Шуни айтиш жоизки, Мустафо Ғалайиний флексия бўйича ўзгармайдиган сўзлар қаторига буйруқ майлининг иккинчи шахс шакллари ҳам киритади. Буйруқ майлининг инкор шакли флексия бўйича ўзгарадиган сўз ҳисобланади, зотан, у флектив ҳисобланган ҳозирги-келаси замон шаклидан ясалган. Буйруқ ва унинг инкор икки хил тусланишда бўлганлиги боис, Даририй буйруқнинг инкори шаклини феъл замонининг тусланиш шаклига мувофиқ ўз таснифига қўшган, деб ўйлаймиз.

Ҳозирги-келаси замон феълларини араб наҳвчилари *الافعال المضارعة للاسم* - *’ал-’аф ’āлу-л-муӣāри* ‘ *лил’исм* – “исмга ўхшаш феъллар” деб аташади, чунки бу феълларнинг охиридаги қўшимчалари исмларнинг келишиклари каби омиллар таъсирида ўзгаради ва уларнинг маъноларидаги айрим хусусиятлар ҳам ўхшаш бўлади. Бу замондаги феъл қўшимчасининг ўзгариши баъзи феъл ва юкламаларга боғлиқ бўлади. Араб тилида ҳозирги-келаси замон феълнинг

флексияси майлларни ифодалайди. Уларнинг таснифи маънога эмас, балки морфологик жиҳатга асосланган.

Тилшунослар ҳозирги-келаси замон феъл шаклларида ҳосил бўладиган майлларнинг тусланишидаги фарқли ҳолатларни қуйидагича баён қилганлар: 1) ҳозирги-келаси замон феъли рафъ, яъни дарак майлининг бешта ҳолатида бўлганида *нун* ҳарфлари туширилмайдиган ҳолат. Улар қуйидаги феъллардир: *تفعلين* - таф ‘алкна, *تفعلان* - таф ‘алāни, *يفعلان* - йаф ‘алāни, *تفعلون* - таф ‘алһна, *يفعلون* - йаф ‘алһна; 2) насб ҳолати, яъни истак ва жазм, яъни шарт майлида *нун* ҳарфлари тушириб қолдириладиган ҳолат: *تفعلي* - таф ‘алк, *تفعلا* - таф ‘алā, *يفعلا* - йаф ‘алā, *تفعلو* - таф ‘алһ, *يفعلو* - йаф ‘алһ.. Бундай *нун* ҳарфларига нисбатан араб наҳвчилари *фаръий* терминини қўллайдилар. В. Гиргас ҳам “*нун* ҳарфларини дарак майли белгиси, уларнинг йўқлиги эса истак ва шарт майллари белгиси эканлигини тасдиқлайди ҳамда кўплик, муаннас *нун* ҳарфлари муаннасликни билдиргани учун флексияланмайди” тарзидаги муносабатни қайд этади. Замахшарий муаннас *нун* хусусида шундай фикр билдирган: “*وإذا اتّصلت به نون جماعة المؤنث رجع – مبنيا فلم تعمل فيه العوامل لفظا* – Агар муаннас кўплик *нун* суффикси қўшилиб келса, феъл мабний (*ўзгармайдиган шакл*) бўлади, омиллар унинг шаклини ўзгартиролмайди. Масалан: *لا يائىربنا*. Таъкид *нуни* ҳам худди шундай ўзгармайдиган шакл ҳисобланади, масалан: *لā тайрибанна ва лā тайрибан*.

**Хулоса қисми:** Замахшарий “Муфассал” китобининг феъл бобида феълларнинг семантик таснифини ҳам амалга оширган бўлиб, мажҳул даражадаги феъллар, ўйлаш ва ҳисоблаш маъносидаги феъллар, ёрдамчи феъллар, иш-ҳаракатнинг яқинлигини билдирувчи феъллар, олқиш ва қарғишни ифодаловчи феъллар, таажжубни англатувчи феълларни ажратиб берган. Мутарризий феълга оид мавзуларни асарининг “Қиёсий-лафзий омиллар” номли иккинчи бобида ўрганади. Бу бобдан араб тили назариясига асосланган ҳолда ифодаланган қоидалар ўрин олган. Даририй айна шу феълларни асарининг алоҳида бобларида эмас, балки синтаксисга оид мавзуларда маълум кетма-кетликда баён этган.

### АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительноисторическом освещении. –М.: “Восточная литература” РАН, 1998. С. 339.
2. Носирова .М . “Ўрта аср наҳвидан намуналар”ТошДШИ, -Т.2004.6 29.
3. Ibrohimov N., Yusupov M. Arab tili. I J.- Namangan: Ibrat, 2009. B-368.
4. Амин ар-Рейхани. Избранное / пер. с ар., англ.; сост., вступ. ст., примеч. А. Долининой. – Л.: Худож. лит., 1988. – С. 157.
5. Rihani A. The Book of Khalid. – N.Y.: Mellvile house publishing, 2002. – С. 87.

6. Fadda-Conrey C. Contemporary Arab-American Literature: Transnational Reconfigurations of Citizenship and Belonging. – NY: New York University Press, 2014
7. Dr. Khilola A. Yuldasheva, . (2023). THE IDEOLOGICAL ROLE OF THE ARABIC LANGUAGE IN FORMING NATIONAL IDENTITY. *European International Journal of Philological Sciences*, 3(10), 14–18. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/eijps/article/view/25630>
8. The Direct Object And Its Use In Arabic Language . (2023). *Boletin De Literatura Oral - The Literary Journal*, 10(1), 3601-3609 <http://www.boletindeliteraturaoral.com/index.php/bdlo/article/view/716>
9. Ахмаджонова Назокатхон, & Муталова Гульнара. (2023). ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ СОВРЕМЕННОГО АРАБСКОГО ЯЗЫКА СО СРЕДСТВАМИ МАССОВОЙ ИНФОРМАЦИИ. *Innovations in Technology and Science Education*, 2(9), 373–379.
10. Ahmedova, Shahlo THE PROBLEM OF RAPID DEVELOPMENT IN THE LITERATURE OF JAPANESE AND GULF ARAB COUNTRIES // ORIENSS. 2023. №20. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/the-problem-of-rapid-development-in-the-literature-of-japanese-and-gulf-arab-countries> (дата обращения: 03.02.2024).
11. KASIMOVA SARVINOZ SAYFULLAEVNA. ARABIC LINGUISTIC IN TRANSOXIANA (XI-XIII CENTURIES). *International Journal of Innovative Technologies in Social Science*, n. 1(13), p. 3-6, 31 Jan. 2019.
12. Ғаффорова Назокат, Тешабоева Зиёдахон Қодировна. She'riy matn tarjimasining o'ziga xos xususiyatlari *Uzbekistan Language and culture Volume 3* (4). Tashkent. – 2023. Стр. 138-150
13. TESHABOYEVA Z. et al. A Comparative Analysis Of Phraseological Units In “Baburname” And Their Different English Translations // *Philology Matters*. – 2019. – Т. 2019. – №. 1. – С. 102-108.
14. Abdullayeva, Marxabo Raxmonkulovna. "INGLIZCHADAN TARJIMADA FRAZEOLOGIZMLAR MA'NOSINI BERISH MUAMMOLARI." *GOLDEN BRAIN* 2.1 (2024): 595-600.
15. Teshaboyeva Z. TRANSLATIONS OF PHRASEOLOGICAL UNITS AND PROVERBS OF" BOBURNOMA" INTO ENGLISH // *Paradigmata poznani*. – 2016. – №. 3. – С. 74-78.